



Фажур ГУЛОМ,
Ўзбекистон халқ шоири.

БУЮК ОЛАМГА САЛОМ

Сурайё юлдузидек ялт этган тезлик билан Тулар учиб келади қадимий Шош шаҳрига. Искандар оломлаган ва Фирдавсий мактаган, Низомий келмак бўлган ўзбекининг бош шаҳрига.

Тулар учиб келади Ява, Мадагаскардан, Йўллариға пояндоз ўзбекининг азиз жони. Кўзимиз йўлингизга мунтазир илк саҳардан. Эй ҳаёт қаровинингиз нурлар минган меҳмони.

Бу қизнинг оти Тошхон, менинг қизим бўлади, Қабонда субҳидан алвонларнинг акси бор. Қўлидаги гулини тўкса жаҳон тўлади, Ҳзи жуда покиза, гулларидек бегубор.

Тошхондаги гул билан, оддий ўзбек тил билан Меҳмонларни кутади мўсафид Фажур Гулом. Покиза виждон билан, қафтидаги дил билан Азиз ўзбек халқидан буюк оламга салом!

НЕ БАХТДИР ДЎСТЛАРГА «АССАЛОМ!» ДЕМАК, ШУНДАЙ УЛУҒАЙЁМ, ЁП-ЁРУҒ КУНДА!

МИРМУҲСИН,
Ўзбекистон халқ ёзувчиси.

МАЛИКУЛ КАЛОМ

ЎЗГАЛ адабиётимизнинг яқин тарихига бир назар ташлаш, бизнинг ёшларимизда қаламқашлар фахат китоброғозлар титиллаш эмас, олтинчи йилни шундоқ кўриб ёки устозлар билан учрашувларида эшитган ҳақиқатларга суяниб, сўз айтмоғимиз мумкин. Устоз Фажур Гулом — яқинда катта даврни қамраб олган, азамат тили қилган инқилобдор. У ҳеч шубҳасиз муштор қалам соҳибларимиз ичра доимо валломатдир. Канина ҳам у зотнинг дуосини олган қимсамен, кейинги авлод — ёшлар хусусида жуда ҳам адолатли ва гамхўр оқсоқоллардан бири эди.

Фажур Гулом кўҳна, айни вақтда навқирон ўзбек адабиётимиз тарихидир-ки, бу гўзал адабиёт бустонининг қай томонига қараган, ўша буюк инсоннинг жамоли кўриниб тургандай бўлади. Адабиёт учун жон чеканлар ичида, маҳорат билан асар яратганлар ичида Фажур акачаки фидойилар кам бўлган десам хато қилмайман. Ўзбек тилига давлат тили мақоми берилди: бу курашнинг қирқ йил аввал Фажур акалар бошлаган эди. Оғир йилларда ҳам адабиётимиз миллийлиги ҳақида дадил сўз айтиб келган, ўзбек фольклори — озаки адабиётимиз ҳақида ёзувчилар сўзидида катта маъруза қилган ҳам Фажур Гулом эди. Муштор адабиётга меҳр-муҳаббат, ҳаммадан ҳам кўпроқ Мирзо Абдулқодир Бедилни, ҳазрат Мир Алишер Навоий инқодини чуқур ўрганиб, халққа тартиб қилганлар ичида энг фаоли ҳам Фажур оқсоқол эди. Тағорни, Қозимийни, Мирзо Ғолиб, Муҳаммад Жино ва Муҳаммад Иқбол, Қришан Чандлар иқоди билан бизни таништирган ҳам шу устоздир. Адабиётимизнинг деразаларини Шарққа, Ғарбга очиб юборган у зот эди. Фажур Гулом мактабда биз Насриддин Арафиди — халқ ҳақиқатини, Шарқнинг буюк китоблари «Алиф лайло ва лайло», «Калида ва Димна», «Иброҳим Алхам», «Сано бар»... достонларига оқсоқол тугайли ўрганганимиз ва бунинг учун устоз руҳи поғига таъзим! Буюк Шарқ одағига, Фажур ака ҳамма вақт бизларга «Ўзингдан каттага биринчи бўлиб салом бер, оқсоқолларни эъзозла, катталар олдида дабгинингизни писта қил», деган гапларни тасқор-тасқор айтардилар. Бу ҳикматда гап кўп эканини кейин билансизлар, дердилар. Бизлар кам бўлимадик.

«Бу дунёда ҳеч ким қолмайди, ҳаммаимиз ўтаимиз, мулда ака», деган эдилар бир кун «Муштум» ойномасида бош муҳаррир бўлиб ишлаганида. Оқсоқолни тахрир ҳайъатига киритганимиз, илгари «Уна» деб атайдиган устоз неғадир каминани «Мулда ака» деб ҳазиллардилар. Орада қолдингилар бизнинг холис фикрларимизни авлодга етказишлари фарз, дердилар. Фажур Гулом бир ойда ёки бир маҳалла шоири эмас, у ўзбек халқининг, тўғрироғи халқимиз миллий қадриятларини жаҳонга ёйган, дунёга номи кетган буюк инқилобдордир. Устознинг руҳи поғига таъзим!

Фажур Гуломнинг 90 йиллиғи

Ажойиб шоиримиз Фажур Гуломни, айниқса, унинг сафдошлари низоҳатда ҳурматлар, ардоқлар эди. Бу ҳақида кўзга кўринган ўзбек адабиётчиларининг дил сузларини ҳақдон билан битганлар. Ўзбекистон халқ шоири Раҳматил Миртемирнинг Фажур Гу-

лом ҳақидаги хотиралари фикри-мом ҳақидаги гувоҳи була олади. Буюк шоирнинг 90 йиллиғи муносабати билан илғий ходим Маҳфуза Қорахўжаева тайёрлаган ушбу хотираларни манзур бўлар деган унда газетхоҳларимиз эътиборига ҳавола қилмоқдамиз.

ҳангомалар унинг қобилиятидан ва ҳаётиндан заррлар, шу шингил хангомалар, шу зарраларнинг ўзи бир рисола бўла олади.

Улуғ Ватан уруши тугай деб қолган йиллар эди, чамамда. Фажур Гуломга ёзувчилар уйда дуч келиб қолди. У бизни уйга олиб кетди. «Арафа кунларим, — деди у. — Эрта-ндан ҳайит келади. Биринчи январь ҳам бўсағада. Юринг, бир байрам шеъри ёздики, — деди. Кетдик. Собир Абдулла, Уйғун ва мен. Қор шундоқ. Ўғмонда эди. Олам худди оқ шойи рўмонда. Қилин қор яхши қўлдан даровчи. Туртовлон янги йил ва янги зафар ҳақида шеър ёзишга бел боғладик. Мазмун ва шакл янги. Рубоий, Абатта, Фажур оға онабоши. Аввал ҳар ким ўзича ёзиб, чиқиб, тўзатиб, кейин бир ипга тиздик. Аввал Собир Абдулла котиб бўлди. У нарчаган маҳалда котиблик менга ўтди. Фажур Гулом ҳаммага лекаб қўйганидек, мени ҳам бу илтифотдан четда қолдирган эмас.

— Чўғир от, — деди менга у, — адабиётимизнинг чўғир отисан. Кўчир, қўш, оқла, эпнага келтир. Учовчи сулайиб ухлаб қолди-ю мен чўғир отлик қилиб, кўчирдим, оқладим, эпнага келтирдим. Қандаек шеър бўлди. Янги йил кечаси мен туртовлон номидан радиодан ўқидим. Дарров кўчириб, дўст-бўғга маълум. Эртаси «Қўзил Ўзбекистонда пайдо бўлди, яқинраб пайдо бўлди».

Бир гал мен Хоразм ва Қорақалпоқ сафаридан қайтиб, ёзувчилар уйда адабий кечага қатнашиб қолдим. Қоқилиб-сурилиб юрган келдилар. Кечани бошқариб бораётган Фажур Гулом бир маҳал менга қараб:

— Турсун ўғли, борми янги гап! Уки, — деди. Мен минбарга кўтарилдим ва «Аму қирғоқлари» деган шеъримни ўқига тўшдим. Шеър тўзганда, мундоқ қарасам Фажур Гулом қаршимда турди. У менга қўл чўзиб қўлагидек бўлди. Шоир учун бундан зўр дилдорлик ва илтифот бўлмас, айниқса, мен учун оғир бўлган ўша йиллари.

Фажур Гуломни унутиб қийин. У ҳақда қанаът ёзасан, эгин нинадор етишмагандек. У ўзбек халқининг ўлимас ўғилларидан. Ҳамид Олимжон вафотининг бир йиллиғида ўзига марсияда шу сатрлар оғага етиб борганини кўларига қақнаган уч-кунда кўрганам:

Йулбарсдек ўқиб келади эва,
Ўзингден билган, дағуғи, дилчуғи,
Ўзингдек дилушу донаиб, беёва,
Гулом оқсоқолнинг ўт нафас ўғли.

гурунглари, тўйларда, йилларда, ҳашарларда, халқ кўришларида, сафарларда ва меҳмондорчиликларда бўлганам. У ҳаётни, одамларни билар эди. Адаб ва удуллардан тўла хабардор, шеваларни билар, қардош тилларни билар, туркман дуч келса—туркман, татар дуч келса—татар, Нозим Ҳикмат дуч келса — турк, тожик даврасида тожик, Алек-

МИРТЕМИР,

Ўзбекистон халқ шоири.

ШОИР ЗАМОН ЭДИ

сей Сурков кўриниб қолса, ё меҳмон рус бўлса — рус. Не чоғлик мунис, не чоғлик мушфиқ, дикша, ҳозиржаёв, хушхоб, хушқоқим, ҳаммаси ўз ўрнида суҳбат қўйилмак, сизидийил дўст. «Сўзни айтиги уқанга, жонинг жонга суқанга» таъбири Фажур Гуломга тегишли, у билан ҳар гал суҳбатдош бўлган кўнчо, у ким бўлмасин, суҳбатини қўмас юрарди. Лекин ўринсиз ва ноҳақ унинг жигига теккан одам, ким бўлмасин, унинг газабига дучор бўлар, балоларга гирифтор бўлар, тўзасига таянор эди. У кўйдек юв-вош, кийиндек хуррак, лекин жаҳли кистаганда, ё алҳазар, ярали йўлбарсдек беомон, не-не саёз, хашаки, адабиёт қошонасини булгамоқ ва текки номхонага айлантимоқчи Шарошларни Фажур Гулом шарошсиз қилган рост. Адабиёт қошонасини муқаддас кўрилаганларни ва муқаддас кўрилай олганларнинг бири Фажур Гулом эканлиги рост гап.

Хулқ-атворида турланиб туриш ошкор эди. Лекин қўлдан ҳайрли иш кўп келар, не-не одамларнинг мушкуллини осон қилар, бу шингил

БОҒ ЭДИ... Мен ё шу пайт эсимда бор ёки кўп гапиргани учун эсимда қолган деб уйлайман.

Ез... Ҳаддан ташқари, иссиқ бўлганидан чошгоҳда онда-сонда беданларнинг у ер, бу ердаги бедазордан лоп-пилак, пил-пилак, мусичаларнинг том бўғотининг соя ерида эриниб-гина гўтуллани, узоқ-узоқдан сизиларнинг иссиқдан лоҳас бўлиб мўрашига нам эшитилди. Соқинлик... Шабда ҳам кун тигида тўхтаб қолгандек, жазирама иссиқ. Иссиқ ҳам мани ҳолдан тойдирган, соя-салқинлардагина жон саклаш мумкин. Кичик бола бўлмасам, ўша жазирамада эшикча чиқиб нима қиламан!

Бог кўраси паҳса девор, томи, саҳнин ҳам лой билан шувалган уйларнинг саҳнига ёқилли ҳидди ўт-ўламанг устидан кигиз тўшлаган, дарчелар оқ чойшаб билан тўшлаган, шунинг учун салқин, битта ҳам пашша йўқ... Бонинг чеки йўқдек. Узоқ-узоқларгача бута бўлиб ўсган тоғолча, кўксултонлар девор ўрнида бошқаларнинг боғидан бизникини ажратиб туради. Аям кир юзганларда у дор вазирасини ҳам ўтайди.

Ҳовли ўртасида лой сула, унга тўшлаган шолча, офтобдан унгиб кетган, ўрин-кўрпаларни йиғиб кундузги офтобдан сақлаб устига берган эски чойшаб ёпиб қўйиларди... Ҳовли суви селиб супуриларганидан сополдек силлиқ йилтирайдди.

Бог ҳовлимизининг атрофи чекелекка айлениб кетган эди. Чакалка билан тоғолчалар орасидан каттагина ерик шарқираб оқарди. Арини кўприб оқайган сувида сарқаб-сарқаб олмалар, қизил-сарқ тоғолчалар, ўриқлар оқиб ўтар ва арининг бўйидаги ерида бирпас тўхтаб дам олиб олгандек яна сарқаб-сарқаб чирпирак бўлиб сузишда девор қиларди. Мен ўша арини томоша қилиб ўтиришни яхши кўрардим. Баъзан узоқ қараб ўйргангидан бошим айлениб аринда йиқилиб кетай дер эдим. Ариндан ҳаттоб ўтолмас эдим. Мен кўприккача, ундан ўтиб никита катта эсим тарақ олдиғача бора олардим. Ўша ердан бог кўча-нинг бошигача кўриниб туради.

Бог кўча паҳса деворларидан қирқоғайни, равио гуллар, гулхайрлар осилиб ётар, бир ёни пушти, бир ёни оқ лунча, оқ шафтолларнинг ларзон шохлари, «егин» дегандек осилиб, қизил олмалар, худди олтиндек ўриқлар ар билан битта бўлиб тўкилиб ётарди. Уларни йиғиб оладиган одамлар далапарда банд эди шикилли, кўчада ҳеч ким кўринмасди. Таркилар тағига ўтириб дедамларин шаҳардан, ишдан қайтишларини кутардим...

Табиики мен мурғак бола дедамлар шоир эналликларини тўшуниб етмас эдим. Лекин дедамлар қандайдир бошқача одам эканликлари сезилиб турарди.

Чуқки уйимизга жуда кўп меҳмонлар, қериндош-уруғлар келишар, ўқитирин дедамларга бўлган ҳурмат, эҳтиром, меҳрларини сезиб олиши кийини эмасди. Ленин мурғак теса-

вурларимда отам энг аввал меники, менинг дадам эдилар. Бир мен эмас, ҳар бир бахти тўлиқ гўдак ҳам шундай деб уйласа керак.

Отам ҳақидаги биринчи хотираларим қашқатқич урушининг ўрталарига тўғри келади.

Кечкурунлари аямлар, акамлар, ўша «амат дўхтир» опам билан ҳовли суви сепишар, супуришарди. Алмалар оқатга олов ёққиларида ҳамма ёқ жуда ширин ҳидга тўлиб кетарди. Тутун ҳиди бутун далага тарқалиб кетарди.

ОЛМОС ДАДАМ АЙТГАН ЭРТАКЛАР

Бог ҳовлимиз шаҳардан узоқ бўлса керак, дадам қоронғу тушдан келар эдилар.

Аям билан бувим, дадамнинг узоқдан айган ашулаларини кутиб, уни эшитишгандек оватни иситиб, чой дәмлаб қўйишар экан. Менга шундай дейишарди, мен ҳам у кўшиқни узоқдан эшитгандекман.

Кўпича дадам келгунарларча кун билан югуриб-олиб ўйнаб, чарчаб ухлаб қолардим. Ленин дадам келиб энгашиб мени ўпмоқчи бўлганларидек ҳидларидан сезиб, ачоллаб олардим. Шунда дадам ҳар доим хўри санд бўлиб кетардилар.

Гўдаклингизда кўп оғриб турсам керак, шу сабаблими ёки умуман арқалингизданми, эртас эшитиб ширин хоблар сехри билан ухлаб қолгани яхши кўргангиданми, отам бағрида ухлашни ёқтарардим.

Оқ, у дедамлар айган эртаклар... Шу қадар сарғулашган, шу қадар зақиди эдим, унинг оғузида бутун борлиқ, кимлигини эсимдан чиқиб кетиб, эртас кичрамон мени эрталаб қолардим. Дадам айган эртаклар ўлимиз ҳақида бўлмай, асосича, келажак ҳақида бўларди. Кани энди, ўша эртакларга ўхшасан бирортасини мен ўз фарзандларимга айтиб беролмасам, аёзолсам.

Менга ўша эртакларнинг бири: Мош қизим, сен катта бўлганигда шу боғлар ҳам катта, дараклар ҳам катта бўлади. У вақтда еригимизнинг ҳеч қеридида ҳеч қандай уруш бўлмайди. Ҳамма ёқда боғлар, гуллар яшиган бўлади. Не Шарқ, не Ғарбда на Жануб ва на Шимолда — бутун планетамизда ҳеч қандай чегара бўлмайди. Ҳамма халқлар озода ва бахтиёр бўлади. Ана ўша эртакда

сен камолга етиб, жуда қиройли қиз бўласан. Кимки сени кўрса, жамолнинг маҳлиб бўлиб, «оқ» деб йиқилиб қоларди. (Мен худди шундай бўлади деб ишонардим, албатта).

Ушанда ҳуснинг тахрири бутун дунёга овоза солади, Ҳиндистон ўлкасида сизга совчилар келарди. Сени ўша ёққа кўбағи узатами...

— У ёқ узасми! — сўраганим ҳайратландим.

— Жуда узоқ... Йўлида беленд тоғлару тоқини дарёлар, саҳралар бор... Катта боғларга катта дестурхонлар ёзамиз. Катта-катта қозонларда ошлар дәмлеймиз. (Дадам умуман катта, каттагон, гигант деган сўзларни жуда яхши кўрардилар). Қорай-сурнайлар гат-гатаган, ного-рлар тарақлаган, чилдирмалар челинган, дўтору тибурлар чертилган. Қоғилар ашуладан олиб, кўба истиболга чиқамиз.

Хурсанд бўлиб кетаман-да, кўба боланинг номини сўрайман.

— Отим! — далам уйлениб туриб — Ванкулин бўлади, — дейдилар. Узлари гөрйиб ном тоғаларидан мириниб куладилар. (Кейинчалик кимки менга совчи қўйса, кўба бўлишини «Қалай, Ванкулин ёқдимин!» деб сўраб эдилар). Ўша Ванкулин сенига қирқта оқ филга зебу зинаят юклар, тўй сарполарини юборарди. Қирқ филнинг қаровни ортдан қирқ кийим, уларни кўриқлаш учун қирқта йўлбарсини қўшарди. Қирқ филнинг бўйига гулчамбар ва кумуш қўнғирдоқлар осилган бўлади. Ҳиндистон билан Ўзбекистон йўлида йўлбарслар оқ-қаб, кийимларни ёб қўйишарди. (Мен чинакамга ишониб, янглай бошлаймэн).

— Йўлбарслар кийимларни эмасин! — Ҳўп она қизим, хўп, йиғлама, уларни, бўлмасе қафасга соламиз, — деб куладилар.

Йўл юриб, йўл юрса ҳам мўл юриб, қирқ кечая қирқ кундузда Ванкулин етиб келиб, дарвозамиз олдида икозат кутиб туради.

— Сарполар қанақа! — дейман.

— Сарполарми! Сенига адрас (аг-лес) кўйлак, дубоха (дубоха) йимча (нимча), вараот (марварид), менави бармоғиниқ, менавинисига ҳам узук, манава еринга биларзин (билан узук) олиб келарди. Шойи рўмон, тиллақош, зарпаноқ, қўлтиқумор, бўйинтумор, зебигардон, ногзардан, зулфитилло, ойтилло... 100 та зер кўйлак, зер кавушлар. Уларнинг ҳар хилини ҳар кун киясан.

— Йўқ, йўқ, дадам, ўша айганларингизнинг ҳамма, ҳаммасини ўзингиз олиб берасиз, — деб эрикин қилардим, бўйинларидан ачоллаб.

Бу гўдаклингизин эрига гаплари да-дэмларга ёқса керак бирга куларди.

Дадам кўпича: «Мен қариб-чўриб, тугроқ бўлиб кетганимда невараларни ундай бўлади, сен бундай бўласан», деб энг яхши ишларин орзулар эдилар. Узлари хоб қилган гаплардан узлари хурсанд бўлиб кетардилар...

Юраклар қаттида асрайдн сезин. Шейрингиз барчининг руҳи мадори, Тилдан туршмасе исми шарфингизин. Ҳар уйғур тилида, дилида тақдор, Навоий, Машраб, Фурқат каби кичинез. Турки қўшиқларда ангар номингиз, Азалий туташ рини узилмас энқор! Уйғурга қариндош, дарддош, тилкандош... Куонган, мулганган эй, Фажур Гулом! Рухингиз олдида бош ағаман, бош, Қийма қарзан бу, Сизга эҳтиром! Қийма идрокн сўймас устодим, Ҳоку понингизни кўзимга суртган, Эътиқодига гард қўймас устодим, Сиз юрган йўл гардин юзмига суртган.

Рўзи ҚОДИРИЙ.



Фажур Гулом борган давра доимо ҳазил-мутойналарга бой бўларди.

ЎЗБЕК адабиётининг улкан вақили. Давлат мунофотлари соҳиб, академик-шоир Фажур Гулом ҳаёти ва ижодини имкон қадар аниқ эфирган мўъжаз кўргазма Алишер Навоий номидаги Адабиёт музейининг фойеисиде ўз мухлисларини кутиб олмоқда. Бу кўча кўргазма илмий-мавули режа асосида тузилганлиги, материалларга бойлиги билан мухлислар диққатини ўзига тортмоқда.

Кўргазма таъниқ расом Ф. Абдураҳмонов мўйқаламини очилди. Марказдан ўрин олган бу санъат асарига Фажур Гуломнинг истеъдодли шоир, кенг тафаккурли олим, теран донишманд ва файласуф, етук айл-заковатли, кам-тарин инсон, айни пайтда, ўзбек халқи донишмандлигининг ҳам ёриги тинисли эфитидида мохирона акс эттирилганлигининг шохиди бўларди. Бу ерда қўлаб суратларини ҳам кўриш мумкин. Шулардан бирида Фажур Гулом юқори минбарлардан туриб шеър ўқиган бўлса, иккинчисида машҳур адиб Константин Симонов билан қизини ижодий суҳбат қилаётганининг гувоҳи бўларди. Бошқа бир суратда халқаро мукофот соҳиб Пабло Неруда билан баҳс юритаётганининг гувоҳи бўларди. Шундай ноёб суратлар ора-

сида «Ф. Гулом ва Н. Тихонов», «Ф. Гулом дўстлари орасида», «Ф. Гулом инқилобкорлар билан» номли да бошқа расмлар маъвуд. Бу қарар галабасига бағишланди. «Сен етим эмассан», «Олтин медаль», «Кузатин», «Вақт», «Олиш» каби шеърларини яратди. Публицистин

АЖОЙИБ СЎЗ САНЪАТКОРИ

етишаётганликларини ёриги мисраларда тараннум этди. Адабиётшунослигимиз ва адабий таъниқинида Фажур Гуломнинг ҳаёти ва ижодига доир қўлаб китоблар вукуда келган. Булар орасида Ҳомид Ёқубовнинг «Фажур Гулом», Салоҳиддин Мамақоновнинг «Шоир ва замонавийлиги», «Усул ижодлари», Нуриддин Шукровнинг «Фажур Гуломнинг лирик поэзиядаги маҳорати» номли китоблари диққатга сазовордир.

Қардош халқлар ёзувчилари Фажур Гуломнинг ўзбек адабиётинида тутган ўрнини низоҳатда юксак баҳоладилар. Шу ўринда кўргазмадаги матнли материаллар орасида ёзувчиси Чингиз Абдутовнинг қўйилган сузларини келтириш ўринлидир: «Фажур Гулом турнинг халқлар шеърини ривожига буюк ҳисса қўшган. Адабиётимизнинг чўшган, кўрман вақтларидан бири ҳисобланган, барчамизнинг гурурини эмас, аяқойиб сўз санъаткоридир».

Ҳа, шу бош ҳам эл сенга шоир Фажур Гулом икони халқимиз қалбига ҳамма яқин бўлиб қолди.

Баҳодир ВАЛНОВ,
Алишер Навоий номидаги Давлат адабиёт музейининг илмий ходими.

НОРЛАР ҚАТОРИДА ДОНГ ЁЙГАН

Назми бу гулшанининг қатми-қатиди Норлар қаторида донг ёйган шоир. Туркистоннинг миллий қадриятинида Сўймас бир чўғ-ку Сиз тавадур. Асригаз назмининг бутунлигинида, Аён бошдан охир улкан ҳиссангиз. Фалсафий, бадийи устуллингиз, Ибратдир фидоингиз, туйғу-ҳиссингиз. Қапбалдан дур тарих жаҳонларинида Ман-лаи деганларнинг байроқдорн — Сиз. Турон ўлкаларини шеърини боғига Муносиб бўлган боғдон бирн — Сиз. Ижод гулшанида шарқона оташ — Гурнлатиб, элдан элга боқдингиз! Ҳар мисрага дўстлини тафтин этиб бахш, Вукуда қардошлик ўтин ёқдингиз. Ҳамма Сизни севаб ўзбек қатори.

Юраклар қаттида асрайдн сезин. Шейрингиз барчининг руҳи мадори, Тилдан туршмасе исми шарфингизин. Ҳар уйғур тилида, дилида тақдор, Навоий, Машраб, Фурқат каби кичинез. Турки қўшиқларда ангар номингиз, Азалий туташ рини узилмас энқор! Уйғурга қариндош, дарддош, тилкандош... Куонган, мулганган эй, Фажур Гулом! Рухингиз олдида бош ағаман, бош, Қийма қарзан бу, Сизга эҳтиром! Қийма идрокн сўймас устодим, Ҳоку понингизни кўзимга суртган, Эътиқодига гард қўймас устодим, Сиз юрган йўл гардин юзмига суртган.

* 1993 йил — Болаларни она сuti билан боқиш йили

БАХТИ БУТУН, КЕЛАЖАГИ ПОРЛОҚ

ОНА учун ҳоқ ўғил, ҳоқ қиз бўлиш фарзанд ширин. У фарзанднинг оқил, гузал ва соғлом бўлиб ўсишини истайди. Лекин бу ўз-ўзидан бўлмасталиги аниқ. Онанинг ўзи соғлом бўлса, унинг фарзанди ҳам соғлом туғилиши шубҳасиз. Шу боис Ватанимиз баркамол, ҳам маънаф, ҳам жисмонан соғлом, аунко ва фидойи аводларини воғта етказиш мақсадида Президентимиз Фармони билан «Соғлом авлод учун» орденининг таъсис этилгани, 1993 йил ўзбекистонда Болаларни она сuti билан боқиш йили деб эълон қилиниши аниқ мудоао бўлди.



Хукуматимиз томонидан қўрилатган бундай меҳрибонлик тадбирлари табиёт ходимлари зиммасига ҳам жуда катта маъсулият юклайди. Оналар ва болалар саломатлигини муҳофаза қилишда барча билим, тажриба ва меҳнатини аямай сарфлашни талаб этади. Тошкент шаҳар «Саломатлик» марказида бўлиб ўтган кўрик-танлов эса мурғак гўдак вужуди учун бебаҳо, ноёб озуқа бўлган она сутини тарғиб қилишда ва уни ёқлаш борасида меҳнат қилаётган қатор даволаш муассасалари ходимларининг ўзи ишларига муносабатлари, лаёқатлари, билим ва савиялари учун ўзига хос синов бўлди.

Бу эрга туманлараро табиёт ходимларининг 1993 йил Болаларни она сuti билан боқиш йили деб аталган кўрик-танлов гóлибларини йиғилишида. Аёлларимизнинг диллари яна бир бор ўз аксини топди. Кўрик дастурига кўра улар ўзлари тайёрлаган гаделарини кўз-кўз қилишди. Девордаги ранг-баранг деворий гаделар мусобақада қатнашаётган табиёт ходимларининг она сутининг афзаллигини қай йусида бўлмасини тарғиб қилиш мақсадида ишланган.

Ота-боболаримизнинг «Авлоди соғ-саломат, баркамол бўлган юртнинг бахти бутун, келажаги порлоқ бўлади» деган доно фикрлари бугунги кунга келиб янада катта аҳамият касб этипти. Ҳа, ўғилни инсон соғлиғига, наслигига соғлиғига эътибор жуда катта бўлган. Авлоднинг соғлиғи, наслигига соғлиғини таъминловчи муқаддас омил эса она сутидир. Сутнинг аҳамияти шунчалик улканки, у нафақат вужудни озиқ-ланттиради, унга ҳаёт бахш этади, қолаверса, гўдак руҳининг шаклланишида келгусида қандай инсон бўлиб етишишида онанда мавжуд бўлган барча хусусиятларини қабул қилиб оlishида ўз кучини, ўз қудратини кўрсатади.

Болаларни она сuti билан боқиш йили таълиқида табиёт ходимларининг бадиий, эстетик, саводхонлик билими, ўзлари чинарған деворий газетанинг бадиий чиқишлари яхши баҳоланди. Бунда табиёт ходимлари, шифокорлар ўзларининг касбларидан келиб чиқиб, она сутининг ҳосияти, унинг гўдак учун зарур бўлган витамин ва минералларини, бола қанча кўп она сутидан баҳраманд бўлса, шунчаллик тана бақувват, ҳар хил касалликларга қарши кураша ола-

диган бўлиши мисоллар орқали кўрсатиб берилади. Бунда танлов қатнашчиларининг ўзи ишларининг мукаммал агалари эканликларида ташқари адабиётга, маданиятга қизиқишлари ҳам намойиш бўлди. Шу нарса алоҳида таъкидлаш керакки, қатнашчилар ҳаёт кузатувларидан тайёрлаган гаделарини кўрик-танловда ташқари ўзлари ижод қилган шеърларидан ўқиб беришди.

Қўриқда 171 балл тўплаган Шайхонтоҳур туманидаги 2-болалар юқумли касалликлари шифохонаси табиёт ходимлари бундан ўзини ағалашди. Иккинчи ўринни Янкасарой туманидаги 6-болалар шифохонаси, Шайхонтоҳур туманидаги 21-катталар поликлиникаси ва Собир Раҳимов

туманидаги 2-туғруқхона ходимлари, учинчи ўринни эса Акмал Иқромов тумани санитария-эпидемиология станцияси ходимлари оlishди. Қолган кўрик қатнашчиларига ҳам соғварлар тақдим этилди.

Бу савобли тадбирни ўтказишда ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлигининг ўринбосари, Тошкент шаҳар соғлиқни сақлаш бош бошқармасининг бошлиғи Қўлаҳмад Ризаев, «Саломатлик» маркази бош врачси Мамлакат Мухаммаднинг хизматлари катта бўлди.

Унда ФАИЗИЕВА, Мая ОБИДОВА, СУРАТЛАРДА: бўлиб ўтган кўрик-танловдан лавҳалар.

фатга етмаган қизининг номусига тажовуз қилган. Сўнг эса хонадондаги пуллари олиб юфтанини ростлаган. Жинот қилдирув хизмати ходимларининг тежорлик билан ишга киришганликлари ва уларнинг малакали ҳаракатлари натижасида маъкур жинотни амалга оширган 1967 йилда туғилган Андижон шаҳрининг фуқароси қўлга олинди.

● 29 апрелда Юнусобод даҳасида эркак қизининг мурдаси топилди. Тез орада шахси аниқланган маъкур кимса юраги атрофида оғир жараҳат етказилгани сабабли ҳаётдан қўв юмган эди. Юнусобод тумани Ички ишлар бошқармаси тартиб посбонларининг аўдлик билан қўрган чора-тадбирлари натижасида ушбу қотилликни 1956 йилда туғилган кимса амалга оширганлиги аниқланди ва у ушланди. Тергов пайтида жинотчи ҳақиқатан ҳам ўз таниши билан спиртли ичимликларни бирга истеъмол қилгани ва орада келишимчилик юз берганлиги сабабли уни пичоқ уриб ўлдирганлигини бўйинга олди.

● 30 апрелда берилган хабарда айтилишича, тунда номаълум кимса Қизил Шарқ даҳасидаги хонадонлардан бирининг эшигига тушадиган қалит туғрилаб, уй ичига кирган ва уй эгаларининг 200000 сўм пулини ўғирлаб «қўё» бўлган. Чилонзор тумани ИИБ тартиб посбонларининг ўз вақтида қўрган чора-тадбирлари туфайли ушбу ўғирликни 1975 йилда туғилган йигитча амалга оширганлиги аниқланди ва у қўлга олинди.

Тошкент шаҳар Ички ишлар бошқармасининг матбуот шўъбаси.

* «02» хабар беради

ЖИНОЯТ ЖАЗОСИЗ ҚОЛМАЙДИ

26 апрел ва 2 май кунлари орасида Тошкентда 365 марта жиноятчилар ўзларининг тажовузкорона ҳаракатларини амалга оширдилар. Бироқ ҳузуарани хом санаган ҳуқуқбузарлар амалга оширган 281 жиноят ҳафтанинг ўзида «есинида» қош этилди.

● 25 апрелда кўни Мирзо Улугбек тумани ички ишлар бошқармасининг жиноят-қидирув хизмати ходимлари томонидан Тошкент трактор заводи даҳасидаги уйлاردан бирининг атрофида 1949 йилда туғилган, трактор заводида чилангар касобида ишловчи шахс тўхтатиб, текшириб қўрилганда унинг ёнидан «РГД-3» жанговар гранатаси чиқди. Сўнг дарҳол унинг квартирасига бориб тинтув ўтказилганда ички ишлар ходимлари ҳайратдан ёқа ушладди. Гап шундаки хонадонда АКМ автоматининг 270 донга ўқи, иккита ўқ-дори магзини, 12 та электро детонатор, 4 кўти порох, милтиқ найзалари йиғмаси, йирик қаллирди пулеметнинг 7 та ўқидан иборат бутун бошли бир аслаҳахона мавжуд экан. Ҳозир уларнинг нима мақсадлари мўлжаллаб йиғилгани ва қарлардан олинганлиги аниқланмоқда.

● Худди шу кўни кечқурун 46-хўнар-техника билим юртининг электрчиси мураддан судланган 1962 йилда туғилган кимса 1949 йилда туғилган ҳеч қаерда ишламайдиган қизининг Сабоио кўчасидаги уйда бирга спиртли ичимликларни обдон истеъмол қилган. Натижада икковининг қабри ошиб қолгандан кейин ўртада жанжал чиққан. Шунда меҳмон уйлаб ўтирмадан стол устида турган ошпичоқни олиб «дуст»нинг гарданига уни тизиб оғир жараҳат етказган. Пичоқ зарбидан ўзига келмаган меҳмон шу ернинг ўзидаёқ жон берган. Қотилнинг доғиб юриши узоққа чўзилмади. Ҳозир у ашвейи далиллар билан ушланди, тергов ишлари кетмоқда.

● 27 апрелда кўни оқшом чоғи номаълум кимса Чилонзор даҳасидаги кўи қаватли уйлارнинг биринида истикомат қилувчи уй боқасининг кивартисига кириб, хонадон соҳибасини пичоқ билан қўриқтиб унинг қайи бало-

ТҲҲТА, ҲСМИР!

ЎСИРЛАР орасида жиноятларнинг кўпайиб бораётгани катта ташвиш туғдирапти. Шу йилнинг уч ойи мобайнида ўсириллар томонидан 210 жиноят содир этилди.

Шу йилнинг уч ойи мобайнида рўй берган жиноятлар сонини ўтган йилнинг уч ойи мобайнидаги рақамлар билан таққослайлик. Ҳаммаси бўлиб 210 жиноят содир этилгани ҳолда, улардан ўтган йилги 5 та ўғирчи 6 та қароқчиларга ҳужум, 36 та ўғирчи 33 та ўғирчи, 2 та тан жароҳати ўғирчи 1 та, аўрлаш 1 ва 1 та давлат мулкни ўғирлаш 41 та ўғирчи 35 та, шахсий мулкни ўғирлаш 160 та ўғирчи 87 та, базорлик 5 та

ва 8 та, автотранспортни ҳайдаб кетиш 4 та ва 5 та, гивандлик моддаларини тайёрлаш, ва сотиш 5 та ўғирчи 12 та содир бўлган. Ана шу жиноятларни содир этишда 307 нафар ўсириллар қатнашган. Улардан 52 нафари ишлайди, 61 нафари мактаб ўқувчилари, 47 нафари хўнар-техника билим юрти, 2 нафари бошқа ўқув юртлари ўқувчиларидир. 87 нафари эса ҳеч қаерда ишламайдиган ва ўймайдиган ўсириллардир. Улардан 83 нафари 14-15 ёшида жиноятга қўл урган, 224 ўсирил эса 16-17 ёшида бу қабчи кўчага кирган, 242 ўсирил жиноятчи жавобгарликка тортилди.

3 минг 611 ўсирил милиция ҳисобида туради. Улардан 138 нафари гивандлик қилган, 381 нафари эса спиртли ичимлик ичган, 1056 ҳеч қаерда ишлемасдан ва ўқидан бўйин товланган ёшлар топилди, 74 нафар ўсирил ички ишлар колонияларига жўнатилди.

Бизнинг келажакимиз бўлган ёшлар бировга боқиманда бўлиб қолмасдан, жамият учун фойдали инсон бўлиб етишиши учун бутун жамоатчилик ҳайъуриши керак. Токи ҳар бир ёш ҳаётга қувонч билан, ёруз билан қадам қўйсин.

Радиқ СОЛИБ,
Тошкент шаҳар Ички ишлар бошқармаси матбуот шўъбасининг ходими.

* Спорт

ЖАҲОН БИРИНЧИЛИГИДА

БОКС бўйича ўзбекистон раҳбари М. Каримов эса темир жамоаси аъзолари Фидийалининг Тампери шаҳрига учиб кетди. Улар 16 майгача давом этадиган жаҳон чемпионатида иштирок этадилар.

Сафар олдида боксчиларимиз ўзбекистон давлат жисмоний тарбия ва спорт комитетига таъриф бувордилар. Комитет раиси Собир Рўзиев юртимиз номидан илк бор сайёра биринчилигига йўл олаётган вакилларимизга омад тилади. Делегация

жаҳон чемпионатида ўзбекистон шарафини қуйидаги боксчилар ҳимоя этмоқдалар:

Х. Аҳмедов (Тошкент), У. Сиддиқов (Тошкент), М. Абдуллаев (Андижон), Н. Султонов (Тошкент), А. Григорян (Тошкент), Н. Отаев (Бухоро), И. Буний (Шаҳрисабз), О. Маскаев (Тошкент).

ЭЗГУ МАҚСАД

ШАХМАТ бўйича 58-республика чемпионатида иштирок этаётган спортчилар фақат гóлибгина оstonада турган Осие биринчилиги ва Швейцарияда ўтадиган жаҳон суперчемпионатида қатнашмак ўзбекистон терма жамоаси сафидан ўрни олиши мумкинлигини билгач, курашни янада авж олдириллар.

Узининг нимага қодирлигини Манйла Олимпиадасида намойиш этиб, кумуш медал билан қайтган терма жамоа аъзолари Логинов, Серпер, Нешаев ва Вагребельнийлар чемпионатда иштирок этмаётдилар.

Бугунги кунда асосий кураш чирчиқлик Сайдали Йўлдошев, Саитов, самарандлик Воҳидов бухоролик Нодирхонов тошкентлик Қаймов ва Звёдиновлар ўртасида бормоқда.

Ҳозирча тажрибали Йўлдошев олти турдан сўнг 5,5 очко билан биринчи ўринда, Қаймов ҳисобида 4,5, Звёдинов, Нодирхонов, Жумоева эса 4 очко бор.

САМАРҚАНДА «СИТОРА»...

САМАРҚАНДА чим устида хоккей бўйича республика чемпионатининг тўртинчи тур мусобақалари бўлиб ўтди. Унда «Андижанка»ни 2:0, 1:0, «Политотдел»ни 3:0, 3:1, «Чевар»ни 2:0, 2:1 ҳисобида мағлубиятга учратган Бухоронинг «Ситора» жамоаси қизлари биринчи ўринда бораётган андижонликларни ортда қолдириб жаҳоннинг энг юқори поғонасига қўтарилдилар.

ФАРҲОНАДА «ДИНАМО»

ФАРҲОНАДА эркаклар ўртасида Марказий Осие давлатларининг биринчи тур мусобақалари бўлиб ўтди. Ўзбекистон ва Қозғистон давлатлари вакилларини на иштирок этган баҳсларда гóлиблик Олмаотанинг «Динамо — Осие спорт» жамоасига насиб этди.

Иккинчи ўринни эса Қозғистоннинг Республикани олий спорт маҳорати мактаби вакиллари эгаллашди.

Андижоннинг «Звезда» жамоаси 6 очко билан учинчи, Самарқанднинг «Шердор» клуби 4 очко билан тўртинчи ўринни забт этди. Мусобақа ўзбекистон чим устида хоккей спорти мутахассисларига республика терма жамоаси таркибини аниқлаб олиш имконини берди ва улар ҳар икки давлат терма жамоаларининг учрашувини ўтказиш учун Олмаота шаҳрига жўнаб кетди.

НИҲОЯСИГА ЕТДИ

РЕСПУБЛИКА олий спорт маҳорати мактаби беш йилдир мунтазам равишда ўзбекистонда хизмат кўрсатган ағурабий Николай Ёвков хотирасига бағишланган енгил атлетика турнири ўтказиб келди.

Бу йилги турнирни эса халқаро деб аташ ҳам мумкин бўларди. Чунки унда Ишнинг, Рига, Свердловск енгил атлетикачилари ҳам қатнашдилар.

Ҳаммаси бўлиб 152 иштирокчи гóлиблик учун кураш олиб боришди.

100 метрлик масофага югуришда янги ерилик 23 ёшли Анавар Қўлмуродов Тошкент олимпиада ўринбосарлари билан юрти тарбияланувчиси 19 ёшли Юмил Абдуғаневга ютқазиб қўйди. Албатта спорт гаала ва мағлубиятлардан иборат; лекин Торонтода ўтган жаҳон чемпионатида юртимиз шарафини ҳимоя қилган ягона вакилимиз, қолаверса, мана шу турнир ренгдорис бўлган тажрибали, таниқли спортчининг ёш енгил атлетикачидан мағлуб бўлиши кўччиликни таажубга солди.

Қизлар ўртасида эса 100 метрлик масофага чопишда шаҳримиз вақили Татьяна Котельникова 12,2 сония натижа кўрсатиб биринчи ўринни эгаллади.

СОВРИН ЭГАЛАРИ

ОҒИР атлетика бўйича София шаҳрида ўтказилган Европа чемпионатида МХД давлатлари ва Болгария спортчилари иштирок этдилар.

Янгича тартибда (огирлик вазирига қатор ўзгаришлар киритилганда) ўтган мусобақада Болгария, Россия, Украина ва Беларусь спортчилари барча совринларни ўзaro бўлишиб олдилар.

Фақатгина венгриялик Атилла Чанна ўз вази тоифасида беш совринни қўлга киритишга мусабфақ бўлди.

Шухрат ЗОКИРОВ.



© Тўп учун курашни қаранг...
Муҳаррир Эркин ЭРНАЗАРОВ.

ТИЖОРАТ ЖАБРАЛАРИ ВА ЭЪЛОМАЛАР

Ўзбекистон Жумҳурияти Соғлиқни сақлаш Вазирлиги

П. Ф. БОРОВСКИЙ НОМЛИ ТОШКЕНТ ШАҲАР ТИББИЁТ БИЛИМ ЮРТИ
1993 йил 15 июнь ва 30 июнь соат 10.00 да

ОЧИҚ ЭШИКЛАР КУНИНИ ЎТКАЗАДИ

Ўрта мактабни битирган ўқувчилар, уларнинг ота-оналари, табиий маълумот олишни истаганлар тақлиф қилинади.

Ўқувчилар табиёт билим юртининг ўқув-моддий асоси билан танишади.

Манзилноҳимиз: 700064, Тошкент шаҳри, Боровский кўчаси, 8-уй (1, 2, 3, 4, 5, 13; 22; 25; 28-трамвайларнинг «Сарғай музейи»; 1, 5, 8, 10, 17, 20-троллейбусларнинг «Тошсовет» номлидаги шифохона» бекатлари).

ҲУРМАТЛИ ҚИЗЛАР ВА ЙИГИТЛАР!

Агар Сиз тикувчи, тўқувчи, ип йиғирувчи касбларини эгалламоқчи бўлсангиз, хотин-қизлар модали кийимларини бичиш ва тикиш, кийимларни конструкциялаш, моделашиштириш ва машинада кашта тикиш сирларини эгалламоқчи бўлсангиз

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ХАЛҚ ТАЪЛИМИ ВАЗИРЛИГИНИНГ

РЕСПУБЛИКА ЎҚУВ-ИШЛАБ ЧИҚАРИШ МАРКАЗИГА

ЎҚИШГА КИРИНГ!

ФАҚАТ БИЗДАГИ ПУБЛИК КУРСЛАР ҚУБИДАГИ МУТАХАССИСЛАРНИ ТАЙЕРЛАЙДИ: конструктор — моделерлар, хотин-қизлар модали кийимларини тикувчи усталар, машинада бадиий кашта тикиш ва замонавий трикотаж тикиш ускуналаридан кўп йўналишда тикувчилар.

ЎСМНЛАР УЧУН ҚУЛАЙ ШАРОИТ БОР — УЛАР ТАБИИЙ ЧАРМГА ИШЛОВ БЕРИШ ВА БУЮМЛАР ТИКИШ МУТАХАССИСЛИГИНИ ЎРТАНИШЛАРИ МУМКИН.

ЎЗ ИМКОНИЯТИНИГИЗИ БОИ БЕРМАНГ! ЎҚИШГА 9-ВА 11-СИНФЛАРНИ ТУГАТГАН ҚИЗЛАР ҚАБУЛ ҚИЛИНАДИ.

9-синфни битирган қизлар 3 йил ўқийдилар. Улар давлат таъминотида бўладилар, ҳамда ҳар ойда 3 минг 200 сўм овозат пули оладилар.

11-синфни битирган қизларга ҳар ойда 1 минг 300 сўмдан ортиқ стипендия берилди.

Ўқув-ишлаб чиқариш марказини битирганлар ағаллаган касби бўйича малака раварди берилганлиги тўғрисидаги диллом ва ўрта маълумот оладилар.

Улар ширнавлар, иккара, хўналлик ҳисоблади ва кўшма корхоналарда ишлаш имкониятига эга бўладилар.

Кирувчилар қўйидаги ҳужжатларни тоширишлари лозим: ўқув-ишлаб чиқариш маркази бош раҳбари номига ариза, тўғилганлиги тўғрисидаги гувоҳнома, ўрта маълумот тўғрисидаги аттестат, турар жойидан маълумотнома, 6 донга фотосурат (3х4 см.), талланган касби бўйича шугуллангани мумкинлиги ёзиб қўрсатилган табибий маълумотнома (086/У).

Манзилноҳимиз: Тошкент шаҳри, Мирқўлиев кўчаси, 68-уй (38, 58, 67-автобуслар; 4, 7, 9, 24, 28-трамвайлар; 13, 16-троллейбусларнинг «Бобур боғи» бекати), Телефонлар: 55-78-28, 55-78-30.

ДИҚҚАТ!

Ишлаб чиқариш зарурати муносабати билан тугатилган «ХЛОПКОПРОМ» Республика ишлаб чиқариш бирлашмасининг

ХОДИМЛАР МАЛАКАСИНИ ОШИРИШ ВА УЛАРНИ ҚАЙТА ТАЙЕРЛАШ РЕСПУБЛИКА КУРСЛАРИ

ҚАЙТА ТАШКИЛ ЭТИЛДИ

«ЎЗГОСХЛОПКОПРОМСВЫТ» Республика пахта тозалаш сановати илмий маркази унинг ҳуқуқий вориси ҳисобланади

Даволаш эълон чиққан кундан бошлаб бир ой давомида қуйидаги манзилда қабул қилинади: 700070, Тошкент шаҳри, Усмов Носир кўчаси, 8-уй.

Тош ГРЭС районидagi ички қаватли 5 хонали, 6 сотиқли кўриб битказилмаган ГИШЛИ ДАЛА ҲОВЛИ СОТИЛАДИ.
Телефон: 65-52-53.

ДИҚҚАТ!

Махсус ишларни ўтказиш зарурати билан боғлиқ ҳолда 10 МАЙДАН 14 МАЙГАЧА ТошГРЭС микрорайони, ЯЛАНГОЧ даҳаси, академик Х. АБДУЛЛАЕВ шохқўчаси, БУЮК ИПАК ЙУЛИ (секин Луначарский) узун кўчаси, НОВОМОСКОВСКАЯ, ЭРГАШЕВ, ПУШКИН, генерал ПЕТРОВ, «ТОШ-СЕЛЬМАШ», ДОГИСТОН, ВОЛОДАРСКИЙ, НЕВСКИЙ, КОМСОМОЛ 40 ЙИЛЛИГИ кўчаларидан иборат несиқли таъминоти худудларига несиқ сув бериш тўхтатилган ҳолда 1-«Шимол-Шарқ» несиқли марказини ўчириб қўйиш режалаштирилмоқда.

Маълумотлар олиш учун телефон: 62-68-38.
ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ЭНЕРГЕТИКА ВАЗИРЛИГИНИНГ ТОШКЕНТ ИССИҚЛИК МАРКАЗИ.

«ПАХТАКОР» РЕСПУБЛИКА СПОРТ-МАШҲУЛОТ БИРЛАШМАСИДА 11 МАЙ СОАТ 17.00 ДА

«ПАХТАКОР» (Тошкент) — «НАВБАҲОР» (Наманган) командалари ўртасида;
16 МАЙ СОАТ 17.00 ДА
«ПАХТАКОР» (Тошкент) — «КОСОНСОЯЧИ» (Косонсой) командалари ўртасида

ФУТБОЛ

Чипталар сотилмоқда.

Тошкент шаҳар кесаба уюшмалари кенгаши жамоаси масъул ходим Ф. Рўзиевнинг сўнгисини
Одина РЎЗИБЕКОВАНИНГ
вафот этганлиги муносабати билан чуқур таъзия изҳор қилади.

ТОШКЕНТ ОҚШОМИ

Муассислар: Халқ депутатлари Тошкент шаҳар Кенгаши ва «Тошкент оқшоми» журналистларининг жамоаси

Газета ўзбекистон Республикаси Давлат матбуот номинида рўйхатга олинган. Рўйхат сон — 000101.

Шанба ва яшанбадан ташқари ҳар кўни ўзбек тилида чиқади.

Телефонлар: хатлар — 33-29-70; эълон ва тикорат хабарларини жойлаштириш масалалари бўйича 32-81-42, 32-55-34, 33-56-67.

Эълонлар ва тикорат хабарлари аниқ ва тўригини учун жавобгарлик уларни берган ташкилот ва шахслар зиммасидадир.

Манзилноҳимиз: 700060, ГСП, Тошкент, Ленинград кўчаси, 32-уй. Бутурма Г—120, 19899 нусхадда босилди, ҳажми — 2 босма табақ. Офсет усулида босилган. Қопон бичими А—2. Наср кўрсаткичи 64690.